

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАДЖМИТДИНОВ ОТАБЕК БАХРИТДИН ЎҒЛИ**

**МЕНОПАУЗАДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА АЁЛЛАРДА  
ДИАБЕТИК ПОЛИНЕЙРОПАТИЯ ТАШХИСИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Наджмитдинов Отабек Бахритдин ўғли</b> Менопаузадан кейинги даврда аёлларда диабетик полинейропатия ташхисининг замонавий жиҳатлари.....	3
<b>Наджмитдинов Отабек Бахритдин угли</b> Современные аспекты диагностики диабетической полинейропатии у женщин в постклимактерическом периоде.....	23
<b>Nadjimitdinov Otabek Bakhritdin ugli</b> Modern aspects of the diagnosis of diabetic polyneuropathy in women in the postmenopausal period.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАДЖМИТДИНОВ ОТАБЕК БАХРИТДИН ЎҒЛИ**

**МЕНОПАУЗАДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА АЁЛЛАРДА  
ДИАБЕТИК ПОЛИНЕЙРОПАТИЯ ТАШХИСИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2021**



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Қандли диабет касаллиги замонамизнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, унинг кўлами кенгаймоқда ва инсониятнинг барча ёшдаги қатламларини қамраб олмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...дунёда қандли диабетга чалинган 130 миллионга яқин беморлар бор бўлиб, ҳар 25 йилда уларнинг сони икки баробарга кўпаймоқда ва шу тариқа 2025 йилга келиб сайёрамизда 300 миллионга яқин инсон қандли диабетга чалинган бўлади...»<sup>1</sup>. Қандли диабет билан оғриган аёлларда менопаузадан кейинги даврда суяк-мушак тизимида ўзгаришларнинг кўп учрашига қарамадан, барча беморларда остеоопатияларнинг объектив ҳамда субъектив белгилари ривожланади ва улар тўғрисидаги маълумотлар мунозарали бўлиб қолмоқда. Уни эрта ташхислаш ва даволаш ёрдамида қайтмас асоратларни олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш каби муаммолар долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда диабетик полинейропатия билан кечувчи суяк-мушак тизимидаги асоратларни ташхислаш ва даволаш масалалари, жумладан, уларнинг беморлар ҳаёт сифатини пасайтирувчи, ҳаракатланишини чегараловчи асосий омил эканлигини қатор хорижий мутахассислар ўз тадқиқотлари натижаларига кўра қайд этишган. Бу борада постменопаузал диабетик полинейропатияда таянч-ҳаракат тизими зарарланиши ва улар натижасида асоратларнинг ривожланиши касаллик кечишини оғирлаштириши; шу билан бирга беморлар жинсига, ёшига ва ҳаёт сифатига ҳамда остеопорознинг давомийлигига боғлиқ равишда суяк-мушак тизимидаги асоратларни диагностик усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Таянч-ҳаракат тизимидаги патологик, қайтариб бўлмас асоратлар кўламининг кенгайиши касаллик фаоллигини, оғирлик даражасини эрта аниқлашда қўлланиладиган диагностик усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, диабетик полинейропатия билан касалланиш, унинг таянч-ҳаракат тизимига таъсири бўйича хасталикнинг ривожланиш омиллари ҳамда улар асоратларининг кўп учраши, касалликни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли эндокрин тизими билан боғлиқ касалликларни, ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни

<sup>1</sup>ЖССТ маълумоти, 2019 йил.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида Фармони»

кўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19-апрелдаги ПФ-4295 сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 6 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Ушбу тадқиқот республиканинг VI «Тиббиёт ва Фармакология» фан-техника тараққиётининг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Хорижий олимлар V. Bril (2011), H.Y. Chiu (2015), R. Inoue (2016), K. Gupta замонавий илм-фаннинг сўнгги йиллардаги илмий ютуқлари, такомиллаштириш ва янги диагностика усуллари ишлаб чиқиш, уларнинг тиббий амалиётга жорий этиш, эндокрин ва метаболик касалликларнинг клиникаси ва дифференциал диагностика меъзонларини, патогенези ва ривожланишини ўрганилишига катта ҳисса қўшган ва бу албатта касалликларнинг гетероген характерга эга эканлигини аниқлашга имкон берган. Ўтказилган баъзи тадқиқотлар маълумотларига кўра ҚД билан оғриган амбулатор беморларнинг катта қисмида оғир сенсор бузилишлар ва ДПН да оғриқли шакли нисбатан кам тарқалганлигини кўрсатди. Ушбу натижаларни баъзи давлатларда махсус турли ташҳис усуллари ўз ичига олувчи диагностика стандартлари мавжудлиги билан баҳолаш мумкин. Шу муносабат билан, айрим ҳолларда, бу тавофут кеч ташҳис ёки ҚД2 тури аниқланган беморларнинг тўлиқ текширувдан ўтказилмаганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

А. С. Аметов (2011), О. С. Левин (2011), П.А. Птичкина (2012), Т.В. Бугрим (2013), И.Г. Шестаков (2015) ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хужайра нобуд бўлишига олиб келадиган гипоксик бузилишларнинг ахамияти катта. Хусусан, ҚД билан бу хужайра ўлими тезроқ кечади, сабаби шуки, гипоксиянинг ўзи хужайра ўлимига олиб келади. Айниқса, ҳар қандай зарарланишда ўзидан турли оксиллар, нейтрофик омиллар, ферментлар ва ҳ.к. ажратиб чиқарадиган нейрон хужайралар гипоксияга жуда сезгир ҳисобланади.

ДПН ва ОП патогенези борасида замонавий ғоялар асосида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, юқорида

келтирилган касалликлар углевод ва метаболизм алмашинуви бузилишида асосий ўринни эгаллайди ва ундан ташқари, агар улар хамроҳ ҳолда келадиган бўлса, касалликнинг оғир кечишига олиб келиши исботланган. С.И. Исмаилов (2013), С. С. Анварова (2015), Ю. К. Мирзаева (2017), тадқиқотларидан шу аён бўлдики, инструментал текширувлар остеопороз ёрқин кечган ҳолларда фақат суяк тўқимасининг шикастланиш даражасини ёки унинг асоратлари пайдо бўлгандагина аниқлаб бериши исботланган.

ДПН касаллиги устида замонавий тадқиқотлар ўтказилиши, уларнинг кенг тарқалиб кетганлигига шубҳа уйғотмайди. Бироқ организмнинг эндокрин, метаболит, асаб, гормонал ва иммун тизимларини функцияларини таъминлашда бевосита иштирок этадиган нейронспецифик энолаза ва S100 оқсил каби омилларни ўрганиш бўйича ҳеч қандай тадқиқотлар республикамизда олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000273 сон «Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали ноинфекцион касалликларни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор инновацион технологияларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида амалга оширилган (2020-2024 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** менопаузадан кейинги даврдаги аёлларда диабетик полинейропатия касаллиги ривожланишининг патобиокимёвий механизмларини баҳолаш ва ташҳисотини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

менопаузадан кейинги даврда диабетик полинейропатия билан оғриган аёлларда клиник кўринишнинг хусусиятларини аниқлаш;

менопаузадан кейинги даврда диабетик полинейропатия билан оғриган аёлларда остеопороз мавжудлигини аниқлаш учун денситометрияни ўтказиш;

менопаузадан кейинги даврда диабетик полинейропатия билан оғриган аёллар қон зардобидида эстрадиол, паратиреоид гормони, кальций, нейронспецифик енолаза ва S100 оқсил даражасини аниқлаш;

менопаузадан кейинги даврда диабетик полинейропатия билан оғриган аёллар ҳолатини баҳолашнинг диагностик ва прогностик мезонлари алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида менопаузадан кейинги даврда диабетик полинейропатия билан оғриган 50 дан 75 ёшгача бўлган 100 нафар аёл ва назорат гуруҳига бир хил ёшдаги 20 нафар соғлом аёллар олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида қон зардобидида кальций, паратгормон, эстрадиол, нейронспецифик енолаза, S100 оқсил ва рентген денситометрия тадқиқот натижалари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация тадқиқот ишлари ДПН ташҳисотининг клиник, инструментал, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қандли диабетда суяк тўқимасига таъсир этувчи метаболик бузилишлар билан оғир кечувчи остеопороз хамрохлигида ва остеопорозсиз диабетик полинейропатия билан оғриган аёлларда гормонал фоннинг таъсири исботланган;

иккиламчи гиперпаратиреоз ва гипокальцемия билан хамрохликда кечувчи диабетик полинейропатияда постменопаузал остеопороз билан оғриган бемор аёлларда суяк тўқимасининг трабекуляр ва кортикал қисмини зарарланиши аниқланган;

илк марта диабетик полинейропатия ривожланишида гематоэнцефал тўсиқни микроциркулятор бузилишларга олиб келувчи нейротрофик омилларни ахамияти асосланган;

диабетик полинейропатия билан оғриган аёллар ҳолатини баҳолашда эрта скрининг ташхислаш имконини берувчи диагностик ва прогностик мезонлар аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ДПН ва ОП нинг хавф омилларини ва ривожланиш хавфининг клиник белгиларини эрта аниқлаш, бирламчи асоратларини олдини олиш имкониятини кенгайтиради;

менопаузадан кейинги даврда ДПН билан оғриган аёлларда умуртқа ва сон суягида синишларни олдини олиш учун, постменопаузал остеопороз ривожланаётган хавфи бор, деб ҳисобга олиб, у гормонлар ва суяк минераллар даражасини ўрганиш таклифини беради, ва рентген денситометрия ўтказиш тавсия этилади;

диабетик полинейропатия ташҳиси қўйилган аёллар ҳолатини баҳолашнинг диагностик ва прогностик мезонлари алгоритми ишлаб чиқилди;

**Илмий натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, клиник, биокимёвий, гормонал, инструментал, визуализацион ва иммунгистокимёвий усуллардан фойдаланилганлиги, давомли кузатувда бўлган беморларнинг етарлича сони, тадқиқот натижаларини кўп томонлама таҳлил қилиш, олинган маълумотларга тўғри статистик ишлов бериш, оқилона баҳолаш ҳамда уларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, хулосалар ва натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлашганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти ДПН патогенези, унинг эрта ташҳисотини аниқлаштириш, замонавий лаборатор ва инструментал тадқиқотлар ёрдамида касалликнинг ривожланишини кузатиш, касалликнинг кечишини назорат қилиш ва ташҳисга индивидуал ёндашишни такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти ишлаб чиқилган диагностика алгоритми ва ДПН билан оғриган беморларнинг амбулатория бошқаруви прогностик жадвали диабетик оёқ ва умуртқа поғонаси ва сон суяги синишлари каби оғир асоратларни ривожланиш хавфини олдини олиши билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Постменопаузал даврда диабетик полинейропатия ва унинг асоратлари мониторинги, ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

постменопаузал даврда диабетик полинейропатия ва уни эрта ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Постклимактерик даврда диабетик полинейропатияни эрта ташхислаш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 апрелдаги 8н-д/137-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома менопауза давридаги аёлларда диабетик полинейропатияни замонавий ташхислаш усуллари ёритилган ҳамда амалда тадбиқ қилиш имконини берган;

Постменопаузал даврдаги аёлларда диабетик полинейропатия касаллигини эрта ташхислаш алгоритми бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизими, жумладан, Андижон вилоят эндокринология диспансери ва Андижон шаҳрининг 2-оилавий поликлиникаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 06 сентябрдаги 08-07/11348-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши постменопаузал даврда диабетик полинейропатия аниқланган беморлар саломатлик ҳолатини мониторинг қилиш, таянч-ҳаракатланиш тизими асоратларини эрта аниқлаш ва натижада ногиронлик ҳамда ўлим хавфини камайтириш имкониятини яратади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференциялар доирасида, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика конференциясида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика журналларида ва 1таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг тузилиши кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 99 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва тадқиқот мақсади ва вазифалари асослаб берилган бўлиб, унинг объекти ва предметини аниқлайди, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан-техника таракқиётининг устувор йўналишларига мослигини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини, уларнинг илмий-амалий аҳамиятини, тадқиқот натижаларини амалга ошириш, эълон қилинган мақолалар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот беради.

**«Менопаузадан кейинги даврда аёллардаги диабетик полинейропатиянинг патогенези ва диагностикасига замонавий қарашлар»** диссертациянинг биринчи бобида тадқиқот натижалари, шунингдек, хорижий ва

маҳаллий адабиётларнинг батафсил шарҳлари келтирилган. Диабетик полинейропатиянинг ривожланиш этиологияси, патогенези, ташҳиси ва хавф омиллари ҳақида илмий ва амалий маълумотлар таҳлил қилинади, постменопаузал даврдаги аёлларда диабетик полинейропатияни биокимёвий ва нейротрофик омилларнинг хусусиятларини ўрганади, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган томонлари ва аниқлаштириш керак бўлган жиҳатлари ўрганиб чиқилган.

Диссертациясининг иккинчи бобида «**Клиник материалнинг хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**» тадқиқотда қўлланиладиган асосий материаллар ва усуллар баён этилган. Тадқиқот 120 аёлларни, шу жумладан, 100 та 2 гуруҳга бўлинган 50 ёшдан 75 ёшгача бўлган менопауза даврда диабетик полинейропатияга билан оғриган аёлларни ҳар томонлама текшириш натижаларини таҳлил қилишга асосланган. 1-гуруҳ остеопороз (ўртача ёши  $61,0 \pm 0,9$  ёш) дан кейинги менопоз даврида ДПН бўлган 48 (40%) аёллардан иборат бўлган. 2-гуруҳга остеопорозсиз (ўртача ёши  $60,1 \pm 0,8$  ёш) менопаузадан кейинги даврда ДПН бўлган 52 (43.4%) аёл киритилди. Назорат гуруҳи 20 (16,6%) амалда соғлом аёллар (ўртача ёши  $65,2 \pm 0,9$  ёш) дан иборат бўлди.

Истисно меъзонлари куйидагилар эди: 50 дан кам ва 75 дан баланд ёшдаги аёллар, 1-тур қандли диабет, тутқанок, бош мия ва орқа мия касалликлари (ирсий, демелинизацияланувчи ва дегенератив ўсмалар), қон касалликлари ва аутоиммун касалликлар.

ДПН ташҳиси эндокринологлар томонидан диабетик нейропатия даражасини инобатга олган ҳолда қўйилади. Биз томонимиздан текширилган беморларда ДН нинг куйидаги босқичлари аниқланди: N1 босқичнинг 1-30% гуруҳидаги беморларда, 70% да - N2 босқичида. Беморларнинг 2 гуруҳида 45% N1 босқичида, 55% - N2 босқичида аниқланди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг ёш бўйича таснифига кўра: биз текширган беморлар орасида кўпроқ ўртача ёш (50-60 ёш) ва қариялар (60-74 ёш) ташкил қилган. 1-гуруҳда ўртача ёшда 19 (39,6) нафар, қариялар 29 (60,4%) нафар беморни ташкил этган. 2-гуруҳда ўрта ёшлилар ва кексалар мос равишда 27 (51,9%) ва 25 (48,07%) нафарни ташкил этган.

ҚД диагностикаси учун ЖССТ 2011 йилда HbA1c дан фойдаланишни туғрилигини тасдиқлаган. ҚД нинг даражасини диагностик меъзон сифатида HbA1c  $\geq 6,5\%$  (48 ммоль/моль) танланди.

Тадқиқот National Glycohemoglobin Standardization Program (NGSP) ёки International Federation of Clinical Chemists (IFCC)да тасдиқланган ва Diabetes Control and Complications Trial (DCCT)да қабул қилинган стандартларига асосан HbA1c ни аниқлаш усулларида фойдаланиб бажарилди.

Углевод алмашинувининг компенсация даражасини глюкоза билан боғланган гемоглобин (HbA1c) даражаси ва гликемик профил буйича баҳоланди. ҚД компенсация ҳолатида глюкоза даражаси  $< 5,5$  ммол/л ва HbA1c даражаси  $< 6,5\%$  бўлган ва глюкоза даражаси билан  $> 7,8$  ммол/л ва HbA1c даражаси  $> 7,0\%$  ҚД декомпенсация ҳолатида бўлган беморлар танлаб олинди. 1-гуруҳда компенсация ҳолатида 27 (56,2%), ва декомпенсация ҳолатида 21 (43,8%), 2-гуруҳда эса 28 (53,8%) ва 24 (46,2%) бемор бўлган.

Ўрганиш протоколига киритилган: клиник текшириш, биокимёвий тадқиқотлар беморларнинг қон зардобидида эстрадиол, паратиреоид гормон, кальций, S100 оқсил, нейронга хос энолаза миқдорларини аниқлаш.

ДПН нинг диагностик самарадорлигини аниқлаш учун иммунофермент ва биокимёвий усуллардан фойдаланган ҳолда биз диагностик сезувчанлик (ДС), диагностик махсуслик (ДМ), мусбат натижалар башоратли қиймати (МНБК) ёки (МанНБК) манфий натижаларнинг башоратли қийматини ва А.А.Кишкун (2007) тавсияларига мувофиқ усулнинг диагностик фойдалиликни (ДФ) ҳисоблаб чиқдик. Бунинг учун таҳлил қилинган беморлар гуруҳининг ҳақиқий-ижобий (а), сохта-салбий (с) натижалари таҳлил қилиниб, таққослаш гуруҳининг ҳақиқий-салбий (д) ва сохта-ижобий (б) натижалари таҳлил қилинди.

$ДС = a / (a + c)$  – беморлар орасида ҳақиқий-мусбат синовлар улуши;

$ДМ = d / (b + d)$  – соғлом одамлар орасида ҳақиқий манфий тестлар улуши;


$МНБК = a / (a + b)$  – барча мусбат тестлар орасида ҳақиқий-мусбат тестларнинг улуши;

$МанНБК = d / (c + d)$  – барча манфий тестлар орасида ҳақиқий-манфий тестларнинг нисбати;

$ДФ = (a + d) / (a + b + c + d)$  - барча тест натижалари орасида ҳақиқий натижалар улуши.

Олинган барча натижалар Microsoft Office Excel-2012 стандарт дастур тўплами ёрдамида ишлаб чиқилди, жумладан параметрик ва нопараметрик вариацион статистика услубидан фойдаланилди. Ўртача арифметик кўрсаткич (М), ўртача кўрсаткични стандарт хатолиги (m), натижаларнинг аҳамияти Стьюдент (t) меъзонлари ёрдамида хатоликни (P) аниқлаш билан ҳисоблаб чиқилди. Тарқалиш нормаллиги эксцесс меъзонлари бўйича ва умумий фарқларнинг тенглиги Фишер меъзонлари бўйича аниқлаб чиқилди. Ишончлилик  $P < 0,05$  даражада ҳисобланган.

Диссертациясининг учинчи бобида «**Менопаузадан кейинги даврдаги аёлларда диабетик полинейропатиянинг клиник хусусиятлари**» менопаузадан кейинги даврда ДПН билан оғриган беморларда остеопороз учун хавф омилларининг қиёсий хусусиятлари натижалари келтирилган. 1-гуруҳ беморларда ирсий мойиллик, яқин қариндошларда сон суягининг бўйинчаси синиши 47,9%, паст жисмоний ҳаракат 54,2%, Са кам бўлган овқатлар истеъмол қилиш 60,4%, эрта менопауза (45 ёшгача) 56,2%, 64,6% ҳолларда эса ҳолларда астеник тана тузилиши остеопороз ривожланишида устувор хавф омиллари ҳисобланган. Шу билан бирга, бу хавф омиллари 2 гуруҳидаги беморларда паст фоизларда эканлиги аниқланди. 1 гуруҳ беморларда остеопороз ривожланиши учун енгил тана вазни, паст бўй ва паст тана-вазн индекси (ТВИ) каби прогностик муҳим хавф омиллар бор (1-расм).



**1-расм. Остеопороз ривожланишининг хавф омилларини қиёсий аспектда баҳолаш (%)**

Кўриб чиқилган беморлар асосан қўл ва оёқларда қизиш ёки уюшиш хисси, терини ҳароратга бўлган сезувчанлигини йўқолиши, тунги оғриқлар, уйқусизлик, оёқларнинг шиши каби субъектив шикоятларни айтиб ўтишган. Шикоятларни таҳлил қилганда 1-гурух ( $P < 0,001$ ) нинг 48 (100,0%) ва 50 (96,1%) 2 гуруҳ беморларида қўл ва оёқларда куйиш ёки қалтираш сезгилари кузатилганлиги, 1-гурух ( $P < 0,001$ ) нинг 42 (87,5%) ва 48 (92,3%) 2-гурухнинг беморларида тери ҳароратга бўлган сезувчанлигининг йўқолиши кузатилди. Тунги оғриқ ( $P < 0,001$ ) 46 (95,8%) ва 45 (86,5%) нисбатларида беморларда содир бўлди. Қўл ва оёқларда уюшиш хисси 48 (100,0%) 1 гуруҳ ( $P < 0,001$ ) ва 49 (94,2%) 2 гуруҳ беморларида кузатилди. 48 та бемор (100,0%) 1 гуруҳда ва 52 та бемор (100,0%) 2-гурух ( $P < 0,001$ ) оёқларда музлаш хиссига шикоят қилишган, 39 (81,2%) ва 34 нафар беморларда эса (65,4%) текширилаётган беморларнинг ( $P < 0,05$ ) мос равишда, оёқ шишига шикояти бўлган. Қўл ва оёқларда тери қуриши ва тулаши 42 (87,5%) гуруҳ 1 ва 2-гурухнинг 41 (78,8%) беморларида, бундан ташқари 45 (93,7%) ва 35 (67,3%) кўсаткичда беморларнинг товонлари терлаши аниқланди. Товон терисининг қизариши 1-гурух 40 нафар (83,3%) ва 41 нафар (78,8%) 2-гурух беморларида аниқланди. 12 нафар 1-гурух (25,0%) ва 8 (15,4%) нафар 2-гурухларда оёқларда суяк қадоқлари, товонларда тузалмайдиган жароҳат ва яралар мавжудлиги кузатилди. Қўл ва оёқлар терисининг сезувчанлигини ортиб кетиши 38 (79,1%) 1 гуруҳидаги ва 27 (51,9%) 2 гуруҳидаги беморларда аниқланди. Мувозанатнинг бузилиш 1-гурух 11 (22,9%) беморларида ва 2-гурух 9 (17,3%) беморларида, бўғимлардаги патологик ўзгаришлар 27 нафар 1-гурух (56,2%) ва 8 нафар 2-гурух (15,4%)

беморларда аниқланди. 33 (68,7%) 1-гурух ва 21 (40,4%) 2-гурух беморлар бармоқ ҳаракатларида сезувчанликдан шикоят қилдилар.

ҚД билан оғриган беморларда, айниқса, ДПН га чалинган бўлса, хавотир синдроми аксарият барчасида учрайди. Текширилган беморларнинг гуруҳлардаги Гамилтон тестига кўра, хавотирнинг оғирлик даражаси назорат гуруҳидаги кўрсаткичларидан фарқ қилди. 1-гурух беморларида Гамилтон тести бўйича хавотирланиш даражаси кўрсаткичлари  $23,5 \pm 0,9$  ( $P < 0,001$ ) ни ташкил этди ва хавотирлик аломатлари мавжудлигини кўрсатган 2-гурух беморларида бу кўрсаткич  $19,6 \pm 0,8$  ни ташкил этди ва ташвишли ҳолат деб баҳоланди. Ўрганилган кўрсаткичларнинг таҳлили шуни исботлайдики, остеопороз билан биргаликда ДПН билан оғриган беморларда хавотирланишнинг юқори кўрсаткичлари билан тасдиқланади.

1-гурух беморларда ҚД компенсация босқичида Гамилтон синамаси бўйича хавотир кўрсаткичлари ўртача  $21,8 \pm 0,3$ , ва декомпенсация босқичида эса  $24,6 \pm 0,5$  ( $P < 0,001$ ) ни ташкил этди. 2-гурух беморларда хавотир кўрсаткичлари мос равишда  $18,1 \pm 0,9$  ва  $20,9 \pm 0,8$  ни ташкил этди. ҚД декомпенсация ҳолатида беморларда хавотир юқори даражада кузатилди. Бу натижалар хавотирланишнинг ҚД оғирлигига боғлиқлигини тасдиқлайди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### ҚД нинг компенсация ва декомпенсация ҳолатига кўра Гамилтон тестига бўйича хавотир кўрсаткичлари

Кўрсаткич	1 гуруҳ, n=48		2-гурух, n=52	
	компенсация (n=27)	декомпенсация (n=21)	компенсация (n=27)	декомпенсация (n=21)
Хавотир	$21,8 \pm 0,3$	$24,6 \pm 0,5^{***}$	$18,1 \pm 0,9$	$20,9 \pm 0,8^*$

Изоҳ: \* - компенсация кўрсаткичларига нисбатан фарқ аҳамиятли (\*\*\*) -  $P < 0,001$

Шундай қилиб, биз томондан олинган маълумотлар хавотирнинг шаклланиши беморнинг асосий касаллиги, яъни ҚД ва унинг асорати ДПН шунингдек, остеопороз билан бевосита боғлиқ деган хулосага келиш имконини беради. Бу тахмин остеопороз билан биргаликда ДПН билан оғриган беморларда хавотир ортиши билан тасдиқланади. Бундай ҳолда, хавотир синдроми бир томондан, диабетик полинейропати билан, иккинчи томондан эса остеопороз мавжудлиги билан оғир кечади.

EQ-5D сўровномасидан фойдаланган ҳолда ҳар икки гуруҳ беморларининг ҳаёт сифатини ўрганиш натижалари сўровномада қатнашган барча аёллар ўз соғликлари борасида маълум даражадаги муаммоларга эга этганликларини кўрсатди. 1-гурух беморларида юрганда қийинчилик сезмаганлари йўқ эди, 2-гурухда эса фақат 25,0% (n=13) аёлларда бу шикоят қайд этилди, 1-гурух беморларидан 2,1% (n=1) ва 2-гурух беморларидан 48,1% (n=25) юрганда енгил қийинчиликларни бошдан кечирганлар; 1-гурух беморларининг 16,7% (n=8) нафари юролмаганлар, 2-гурухда бундай беморлар аниқланмаган. 16,7% (n= 8) 1-гурух беморлари ўз одатий кундалик

юмушлари билан шуғуллана олмаганлар ва 2-гуруҳда фақат 2 нафар бемор (3,9%) бу шикоятни айтиб ўтган. Қаттиқ оғриқ ва безовталиқ 1-гуруҳ беморларнинг 18,8% (n=9) ва 2-гуруҳ беморларнинг 5,8% (n=3) нафарларида кузатилган. 39,6% (n=19) 1-гуруҳ беморларида ва 11,5% (n=6) 2-гуруҳ беморлари жуда оғир ҳавотир ёки руҳий тушкунлик ҳисси кузатилган.

EQ-5D сўровномасига кўра ҳаёт сифатининг барча таркибий қисмларида беморларнинг аксарияти ўртача ва оғир муаммоларга эга. Бу остеопороз билан биргаликда ДПН билан оғриган беморлар аҳволининг оғирлашиши билан боғлиқ.

EQ-5D сўровномасининг 1-қисмини ўтказгач, 100 баллик шкала бўйича саломатликни баҳолашни ўз ичига олган сўровноманинг 2-қисмига ўтишни таклиф қилдик. 100 баллик шкала натижалари шуни кўрсатдики, сўров ўтказилган вақтда 1-гуруҳ беморларида  $35,2 \pm 11,3$  баллни ташкил этган энг паст саломатлик кўрсаткичи бўлиб, 2-гуруҳ беморларида бу кўрсаткич  $56,6 \pm 12,2$  баллни ташкил этган.

Остеопороз ташҳисида олтин стандарт бўлиб, скелетнинг ҳар қандай қисмида суяк минералининг таркибини ўлчаш имконини берувчи рентген денситометрияси (DEXA) ҳисобланади. Рентген абсорбциометрияси натижалари 1-гуруҳ беморларда Т-меъзон бел умуртқаси остеопорозига мос келишини, 2-гуруҳ беморларда натижалар нормал кўрсаткичларга мос келишини аниқланди. Бел умуртқасининг ўртача суяк минерал зичлиги (СМЗ) 1-гуруҳ беморларда рентген абсорбциометрияси натижаларига кўра СМЗ паст натижалари бел умуртқасининг остеопорозига мос келди ва зарарланиш даражаси гуруҳлар ўртасида фарқланди. 1-гуруҳ беморларда: проксимал сон суягида нормал параметрлар аниқланмаган (0%), бутун сон суягининг дистал қисми (Total) нинг остеопорози 32 (66,7%) нафар беморларда кузатилган, сон бўйининг остеопорози фақат 9 (18,7%) беморларда ва Варда соҳасида - 7 (14,6%) нафар беморларда аниқланган. 2-гуруҳда остеопороз кузатилмади.

Шундай қилиб, батафсилроқ таҳлил билан шуни айтиш мумкинки, ДПН ва остеопороз билан оғриган беморларда ўмуртқа поғонасининг зарарланиши янада кучли намоён бўлган.


Диссертациянинг «**Менопаузадан кейинги даврдаги аёлларда диабетик полинейропатия патогенезида нейротрофик омиллернинг аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобида менопауза даврида диабетик полинейропатия билан оғриган аёлларда периферик қон зардобиди баъзи биокимёвий параметрлар натижалари тақдим этилган.

Шундай қилиб, амалда соғлом шахсларда паратиреоид гормони (ПТГ) даражаси  $24,1 \pm 0,5$  нг/мл ни ташкил этди. 1-гуруҳдаги ПТГ таркибининг даражаси  $69,2 \pm 2,3$  нг/мл ни ташкил этди, яъни ПТГ гиперпродукциясини кўрсатган назорат гуруҳига нисбатан 2,9 марта сезиларли даражада ошди. 2-гуруҳда ПТГ кўрсаткичи  $32,1 \pm 1,2$  бўлиб, меъёрга мос келган. Қайд этилишича, ПТГ даражаси 1-гуруҳда 2-гуруҳга нисбатан анча юқори бўлган ( $P < 0,05$ ).

ПТГ мазмунининг қиёсий таҳлили уларнинг гуруҳлар ўртасидаги мазмунидаги тавофутларни очиб берди. Шундай қилиб, 1-гуруҳ беморларида ПТГ даражаси 2-гуруҳ беморларига нисбатан 2,1 марта юқори бўлди.

Маълумки, ПТГ плазма мембранасининг рецепторга боғлиқ кальций каналларига таъсири туфайли қон томир деворининг силлиқ миоцитларининг цитоплазмасида эркин ионлашган кальцийнинг таркибини оширадиган кучли гипертензив омилдир. Бу каналлар орқали кальций хужайра ичига хужайра ташқарисидаги муҳитдан концентрация градиенти бўйлаб кира бошлайди. Бу мушак-турдаги томирларнинг тонусининг ошишига ва вазопрессор моддаларга бўлган реакциясининг ошишига олиб келади, бу умумий қон томир қаршилигининг ошиши ва қон босимини ошириш механизмларидан бирини амалга ошириш билан намоён бўлади. Силлиқ мушак хужайралари цитоплазмасида кальций ионлари даражасининг ошиши ҳам миотик фаолликнинг ошишига ёрдам беради, бу эса эластик ва аралаш типдаги томирларда атеросклеротик чўкмалар ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ПТГ липопротеинлар синтезини тартибга солувчи ферментларнинг фаолиятини пасайтириш қобилятига эга. Шуниси диққатга сазоворки, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда кальций алмашинувининг бузилиши ва ПТГ нинг гиперпродукцияси билан боғлиқ атеросклеротик томир шикастланишининг жадал ривожланиши кузатилади.

1-гурух беморлар қонида кальций миқдори  $1,9 \pm 0,9$  ммол/л га тенг бўлиб, унда назорат гуруҳига нисбатан 1,3 баробар пасайиши кузатилди, яъни бу гуруҳ беморларда гипокальцемия аниқланди. 2-гурух беморларда эса меъёрга мос равишда  $2,2 \pm 1,6$  ммол/л га тенг бўлган (2-расм).



## 2-расм. Менопаузадан кейинги даврда диабетик полинейропатия билан оғриган аёлларда суяк метаболизми кўрсаткичлари

Кальций таркибининг қиёсий таҳлили уларнинг таркибидаги гуруҳлар ўртасидаги фарқларни аниқлади. Шундай қилиб, 1-гурух беморлар қонида калций миқдори 2-гурух беморларига нисбатан 1,1 марта паст бўлган.

Суяк минерал алмашинувининг энг таниқли ва кенг ўрганилган кўрсаткичларидан бири кальцийдир.

Кальций суяк тўқимаси минерал метаболизмининг асосий органи ва депози ҳисобланади. Минерал алмашинуви кўплаб омиллар ёрдамида

таъминланади. Табиий шароитда кальций миқдори бевосита кўплаб омилларга боғлиқ. Масалан, буйрак ва ичакларга боғлиқ, аниқроғи буйракдаги филтрлаш ва реабсорбция жараёнларига, кальцийнинг ичакдаги сўрилишига, унинг захира ва депоси, шунингдек, суяклардан чиқиб кетиши бевосита эстрогенлар томонидан назорат қилинади. Бундан ташқари, кальцийнинг назорати глюкокортикоид ва соматотроп каби бошқа тизимли гормонлар ёрдамида амалга оширилади.

Кальций метаболизмини тартибга солишда ПТГ, кальцитриол ва кальцитонин хам иштирок этади. Суяк хужайралари (простогландинлар), остеокласт стимулловчи омил (ОСО), интерлейкинлар, паракрин омиллар (инсулинга ўхшаш ўсиш омиллари - ИЎЎО 1, 2) ва тромбоцитлардан келиб чиққан омил ва фибробластлар ишлаб чиқарувчи бир қатор параллел омиллар хам муҳим аҳамиятга эга.

Кўплаб омиллар орқали назорат қилинадиган кальций суякни қайта шаклланишида асосий модда ҳисобланади ва бу омиллардан бири ПТГ. ПТГ кальций алмашинувида жуда муҳим, чунки у кучли гипертоник хусусиятга эга. Қон зардобидаги кальций алмашинувида катта аҳамиятга эга нишон органлари ҳисобланган буйраклар ва ичакларга таъсир ўтказиши, яъни кальций миқдори ортишига хисса қўшади. Суяк резорбциясининг ортиши ПТГ ёрдамида амалга оширилади, бу эса кальцийнинг буйракдаги реабсорбциясини ва ичакдаги абсорбциясини кўтарилишига сабаб бўлади.

Менопауза даврида эстроген етишмовчилиги суякнинг минерал алмашинувининг бузилишига олиб келади. Кальций, ПТГ, кальцитриол ва кальцитонин даражалари ўртасида мувозанат бузилиши бошланади, бу эса ўз навбатида D витамини етишмаслигига олиб келади. Бу эса охир оқибат иккиламчи гиперпаратиреозга олиб келади. Минералларнинг етишмовчилиги туфайли кальций суяк тўқимасидан чиқиб кетади ва суяк резорбцияси жараёни бошланади.

Кейин, бизни барча беморларнинг периферик қонидаги эстрадиол миқдорини аниқлаш йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, 1-гурӯҳдаги беморларда эстрадиолнинг зардобдаги миқдори назорат кўрсаткичларидан 1,7 марта паст бўлиб, 2-гурӯҳида назоратга нисбатан 1,6 марта камайиши аниқланди, гуруҳлараро фарқлар сезиларли эмас эди.

Эстрадиол миқдори даражаси 1-гурӯҳ беморларда  $33,7 \pm 2,5$  пг/мл га, 2-гурӯҳда  $35,8 \pm 2,9$  пг/мл га тенг бўлди.

Маълумки, эстрадиол, эстрогенлар гуруҳида энг фаол ва аҳамиятли бўлиб, у нафақат аёлларда, балки эркекларда ҳам асосий феминизация таъсирига эга. Бу гормон ҳаммаси бўлиб, аёл организмида 400 га яқин вазифани бажаради. Эстрадиол туфайли иккиламчи жинсий хусусиятлар шаклланади, бачадон ва бачадон найлари, қин ва сут безлари ривожланади. Қондаги бу фолликуляр гормоннинг нормал таркиби бутун танага умумий ижобий таъсир кўрсатади, унинг иштирокида қуйидаги жараёнлар мавжуд: серотонин синтези, бу яхши кайфиятни ва диққатни жамлашга ёрдам беради; тери ва соч саломатлиги ва гўзаллиги учун масъул бўлган коллаген синтези; липид метаболизми ва қондаги холестерин концентрациясини тартибга солиш; аёлларга ҳос ёғ тўқималарининг




тарқалиши; организмда кальций сақлаш: суяк тўқималарининг куч ва массасини сақлаш; қон босимини нормаллаштириш; тананинг терморегуляцияси каби муҳим жараёларга таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, 1-гурух беморларда суяк минерал таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берди, бу эса ушбу гуруҳдаги беморларда ОП мавжудлигини намоён этди.

Бугунги кунда дунёда турли хил оқсиллар кенг ўрганилмоқда ва биокимёвий маркерлар орасида менопаузадан кейинга даврда аёлларда нейронспецифик оқсиллар даражасини аниқлаш катта қизиқиш уйғотади. Бу оқсилларнинг аксарияти аутоантиген ҳисобланади ва айримлари қон оқимида тушганда организмда аутоантитаначалар ишлаб чиқарилишига олиб келиши мумкин ва қондаги гематоэнцефалик тўсиқни зарарлаши, бунинг натижасида организмда турли тизимларда яллиғланиш ва шишлар каби ўткир зазарли ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз тадқиқотимизда НСЕ ва S100 оқсилларига нисбатан аутоантитаначалар миқдорини аниқладик.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан 1-гуруҳдаги беморларда НСЕ ва S100 оқсилларига аутоантитаначалар даражаси 3,49 ( $p < 0,001$ ) ва 2,34 марта, шу билан бирга 2-гуруҳ беморларида эса 2,94 ва 1,48 марта ошган (3-расм).



**3-расм. ДПН билан менопаузадан кейинги даврда аёлларда НСЕ ва S100 оқсилга аутоантитаначалар даражаси.**

Бизнинг фикримизча, бу ҳолат ҚД 2-тури давомийлиги ва унинг компенсация босқичига боғлиқ бўлган қатор турли хил оқсилларнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Остеопороз билан ҳамроҳ кечмаган постклимактерик даврдаги ДПН билан оғриган аёлларда S100 оқсили миқдори 18,2% қисмида паст қийматларни кўрсатди, 35,8% аёлларда эса у меъёрий кўрсаткичларда ўзгариб турди ва 47,1% қисмида меъёрий даражадан ошиб кетгани аниқланди.

Остеопороз билан ҳамроҳ кечган ДПН билан оғриган 1-гуруҳ беморларида нейронспецифик оқсил NSE га қарши аутоантитаначалар даражасини сезиларли даражада ошиб кетганини кўрсатди.

Остеопороз бўлмаган ДПН билан оғриган 2-гурухдаги беморларда куйидаги кўрсаткичлар кузатилди: яъни 13,9% аёлларда нисбатан паст натижа, 30,1% аёлларда бу кўрсаткич меъёрий қийматларда ўзгариб турди ва 52,9% нафарларида норматив кўрсаткичдан ошиб кетгани аниқланди.

Бизнинг фикримизча, бундай кенг ўзгарувчанлик 2-турдаги қандли диабетнинг давомийлиги ва унинг компенсация босқичи билан боғлиқ. Адабиётларга кўра, НСЕ асаб тўқималарининг ҳар қандай зарарланишида орқа мия суюқлигига чиқади ва бу ҳолат нейронларнинг парчаланишидан далолат беради.

Нейронспецифик оксиллар (НСЕ) ва S100 га нисбатан аутоантитаначалар даражасини ҚД нинг компенсациясига боғлиқлиги ўрганилганда, таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 1-гурух беморларда ҚД нинг компенсация босқичида НСЕ га нисбатан аутоантитаначалар даражаси –  $15,71 \pm 2,15$  шартли бирликни ( $P < 0,001$ ), декомпенсация босқичида –  $21,53 \pm 1,92$  шартли бирликни ни ташкил этган, ( $P < 0,001$ ). 2-гурухда компенсация босқичида –  $12,42 \pm 3,64$  шартли бирликлари, декомпенсация босқичида –  $13,67$  да  $3,07$  шартли бирликни ташкил этди.

Тадқиқотимиз давомида ҚД нинг компенсация босқичига қараб аутоантитаначалар даражасини S100 оксигига нисбатан натижаларини тақдим этамиз. 1-гурух беморларда компенсация босқичида S100 оксигига аутоантитаначалар даражаси  $125,32 \pm 4,21$  шартли бирликни ( $P < 0,001$ ), ни ва декомпенсация босқичида эса –  $131,45 \pm 3,07$  шартли бирликни ( $P < 0,001$ ) ташкил этди. 2-гурухда компенсация босқичида –  $78,12 \pm 2,92$  шартли бирликни, декомпенсация босқичида –  $82,95 \pm 2,09$  шартли бирликни ни ташкил этди.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, нейронспецифик оксилларнинг (НСЕ) ажралиб чиқарилиши асосий касалликнинг босқичига боғлиқ бўлиб, гематоэнцефалик тўсиғни (ГЭБ) ўтказувчанлигининг зарарланганлигини тасдиқлайди.

Нейронспецифик оксилларга аутоантитаначаларни аниқлашнинг ўзига хослиги ва сезувчанлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ДС, МНБҚ, МанНБҚ ва НСЕ оксигига аутоантитаначаларнинг даражасини аниқланганда натижалар ДПН ва остеопороз билан оғриган беморлар учун жуда юқори эди ва бу кўрсаткичлар эса остеопорозсиз ДПН билан оғриган беморлар учун паст эди. S100 оксиги учун бу параметрларни таҳлил қилиш аутоантитаначаларни НСЕ оксигига бўлган қийматларига тўғри келди.

Биз томондан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, нейронспецифик оксилларнинг қон оқимига чиқиши кўпроқ мия томирлари эндотелийининг дисфункцияси туфайли ГЭБ нинг бузилиши билан боғлиқ.

Юқорида айтилганлар билан боғлиқ ҳолда биз биокимёвий параметрлар ва нейронспецифик оксилларнинг корреляцион таҳлилини ўтказдик. 1-гурух кўрсаткичлари бўйича ўтказилган корреляцион таҳлил ПТГ ва S100 оксиги ( $p = 0,95$ ) ўртасида кучли ижобий муносабатларни ўрнатди, яъни ПТГ нинг ортиши S100 оксигининг ортиши билан, шунингдек НСЕ ( $p = 0,58$ ) билан ўртача мусбат алоқага эга булиши аниқлагди. Кальций кўрсаткичи с 100 ( $p = -0,28$ ) ва НСЕ ( $p = -0,21$ ) оксил билан кучсиз манфий боғланган, яъни оксил

S100 даражаси қанча юқори бўлса, кальций даражаси шунча паст бўлган. Эстрадиол даражаси, шунингдек, оқсил S100 ( $p=-0,62$ ) ва HCE ( $p=-0,59$ ) билан ўртача манфий боғлиқликка эга эди.

2-гуруҳнинг корреляцион таҳлили ПТГ ва S100 оқсиллари ( $p=0,78$ ) ва HCE ( $p=0,52$ ) ўртасидаги ўртача ижобий муносабатни аниқлади. Кальций даражаси S100 ( $p=-0,19$ ) ва HCE ( $p=-0,15$ ) оқсиллари билан салбий боғлиқликка эга. Эстрадиол ( $p=-0,43$ ) ва HCE ( $p=-0,28$ ) оқсил S100 билан кучсиз салбий корреляцион алоқага эга эди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, остеопороз ва ДПН билан оғриган беморлар кон зардобиди ПТГ ва S100 оқсиллини аниқлаш муҳим ўрин тутди.

Шундай қилиб, корреляцион таҳлил олинган натижалар пост-менопауза даврида ДПН билан оғриган беморларда остеопорозга ҳос ўзгаришлар, микроциркулятор ва метаболик касалликлар ривожланишида биз томонидан ўрганилган биокимёвий параметрлар ва ўзига ҳос оқсиллар муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилди.

Шунинг учун биз олган маълумотлардан диагностик ва прогностик маркерлар сифатида фойдаланиш мумкин.



**4-расм. Менопаузадан кейинги даврда диабетик полинейропатия билан оғриган аёллар ҳолатини баҳолашнинг диагностик ва прогностик меъзонлари алгоритми**

Келтириб ўтилган тадқиқот маълумотларини инобатга олган ҳолда, менопаузадан кейинги даврда диабетик полинейропатия билан бемор аёллар

ҳолатини баҳолашнинг диагностик ва прогностик меъзонлари алгоритмини ишлаб чиқдик (4-расм).

ДПН билан оғриган беморлар асосан соғлиқни сақлашни бирламчи буғин даражасида, яъни амбулатор тартибда даволанишларини эътиборга олган ҳолда, ДПН ва унинг дифференциал диагностикасини аниқлаш учун аналог шкалани ишлаб чиқиш қизиқиш уйғотади. Одатда амбулатория шароитида клиник-анамнестик, биокимёвий ва инструментал тадқиқотлар қўлланилади.

Юқорида кўрсатилган параметрлар даволаш тадбирларини ўтказишда хавф гуруҳини ташкил этиш ва рўйхатга олиш мақсадида бирламчи соғлиқни сақлаш шифокорлари учун прогностик жадвал тузиш имконини берди (2-жадвал).

Ўрганилган кўрсаткичларда тафовутлар кенг эканлигини ҳисобга олган ҳолда, биз асосий параметрлар учун баллик градация ўтказишга ҳаракат қилдик: ёши, ТВИ, менопауза даври, ҚД ва ОП касалликлар давомийлиги, қондаги қанд миқдорини пасайтиришга қаратилган даво чораларига риоя қилиш, EQ-5D анкетаси, ВАШ оғриқ синдроми шкаласи, рентген денситометрияси ва кальций даражаси (2-жадвал).

**2-жадвал**

**ДПН даражасини баҳолаш учун баллаш тизими**

Кўрсаткичлар	Баллар		
	1	2	3
Ёш,	55 ёшгача	55-75	75 дан катта
ТМИ, кг/м <sup>2</sup>	30 дан юқори	25 дан 30 гача	25 дан кичик
Эрта менопауза (ёши)	50 ва ундан юқори	45-50	гача 45 лет
ҚД кечиш муддати	5 йилгача	5-10 йил гача	10 йилдан юқори
ОП нинг кечиш муддати	5 йилгача	5-10 йил гача	10 йилдан юқори
Қондаги қанд миқдорини меъёрлаштириш даво чораларига риоя қилиш	Қаттиқ риоя қилиш	Вақтиғвақти билан	Риоя қилмаслик
EQ-5D сўровномаси	Ўзгаришлар кузатилмади	Енгил узгаришлар	Кучли даражадаги узгаришлар
ВАШ, баллар	1-3	4-6	7 ва юқори
Рентген денситометрия, SD	-1 дан кам	-1 - -2,5 SD	-2,5 дан баланд
Кальций, ммоль/л	2,15-2,55	2,0-2,14	2,0 дан кам
Min-max балл			10-30

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб, ДПН билан оғриган беморларни олиб бориш учун куйидаги тавсияларни таклиф этамиз:

1-гурух, 11 баллгача тўплаган беморларга: парҳезга амал қилиш, қондаги глюкоза ва кальций даражасини назорат қилиш, қондаги қанд миқдорини пасайтиришга қаратилган даво чораларига риоя қилиш, Са миқдори юқори бўлган махсулотларни истеъмол қилиш, йиллик тиббий кўрик тавсия этилади.

2-гурух, 12 дан 22 баллгача бўлган беморларга: диетага риоя қилиш, қонда глюкоза ва кальций даражасини назорат қилиш, қондаги қанд миқдорини пасайтиришга қаратилган даво чораларига риоя қилиш, Са га бой бўлган махсулотларни истеъмол қилиш, умуртқа поғонаси ва сон суяги бошчасининг рентген денситометрияси, ҳар 6 ойда тиббий кўриқдан ўтиш тавсия этилади.

3 гуруҳи, 23 ва ундан юқори балл тўплаган беморларга: диетага риоя қилиш, қонда қанд, кальций, ПТГ ва эстрадиол даражасини назорат қилиш, қондаги қанд миқдорини пасайтиришга қаратилган даво чораларига риоя қилиш, Са га бой овкатларни истеъмол қилиш, умуртқа поғонаси ва сон суяги бошчасининг рентген денситометрияси, ҳар 6 ойда стационар тартибда мукамал даво чора-тадбирлари.

Поликлиника шароитида таклиф этилган текширув схемасига асосланган ҳолда ДПН нинг эрта ташҳисини ўтказиш диабетик оёқ, умуртқа поғонаси ва сон бошчасининг синиши, неврологик ва экстрагенитал касалликлар ривожланиш хавфини сезиларли даражада пасайтиради ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради.

## ХУЛОСАЛАР

1. Менопаузадан кейинги даврдаги ДПН ҳамда ОП нинг оғир даражаси билан оғриган беморларда 2 дан 5 тагача ОП хавф омиллари қайд этилган бўлиб, улар: эрта менопауза - 56,2%, паст жисмоний фаолият - 54,2%, 47,9% - ирсият, паст Са моддасига эга махсулотларни истеъмол қилиш ва кеч ҳайз куриш омили ташкил этди.

2. EQ-5D ҳаёт сифатини ўрганиш анкетасига кўра, энг кўп беморлар ва кўпчилигида (39,6%) ҳавотир ҳисси ортиши ва рухий тушкунлик қайд этилди, оғриқ синдромидан (18,8%) азият чеккан, ундан ташқари ўрта ва юқори даражада ҳаракатда буўилишлар аниқланди, ва ўз-ўзига хизмат соҳасида ҳам қийинчиликлар намоён бўлди (10,4%).

3. Қандли диабетнинг 2-турдаги диабетик полинейропатия постменопаузал остеопорознинг ривожланишига суяк резорбциясини ошириб ва суяк ҳосил бўлишини камайтирган ҳолда таъсир қилади. ДПН ҳамда постменопаузал остеопороз билан оғриган беморларда иккиламчи гиперпаратиреоз ва гипокалцемия аниқланди. 2-турдаги қандли диабетга учраган постменопаузал остеопорозда трабекуляр ва кортикал суяк

тўқимасининг зарарланиши кузатилиб, бел умуртқаси ва проксимал сон суягининг зарарланиши DEXA текширувида намоён бўлди.

4. Биокимёвий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ДПН билан оғриган беморларда НСЕ ва S100 оқсилга нисбатан аутоантитаначалар миқдори ортиб кетди. Айниқса, ОП ва ДПН билан оғриган ҚД декомпенсация босқичидаги беморларда юқори даражаларни кўрсатган. Энг катта ўзгаришлар НСЕ га хос бўлиб, у ГЭБ нинг шикастланиши билан тасдиқланди, бу эса ўз навбатида нерв толаларининг миелин қобиғини бузувчи нейронспецифик оқсилларнинг, айниқса НСЕ нинг ажралиб чиқарилишига олиб келади.

5. Диабетик полинейропатия билан оғриган аёлларнинг ҳолатини баҳолашнинг диагностик ва прогностик меъзонлари ишлаб чиқилган алгоритми эрта ташҳис қўйиш имконини беради. Аутоантитаначаларнинг НСЕ га нисбати ўсиши ( $>15,0$  у/мл; ДС=99,9%, ДФ=91,6%) остеопороз билан оғриган беморларда кузатилади, бу касаллик ривожланишининг дастлабки босқичларида прогностик меъзон сифатида қўлланилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**НАДЖМИТДИНОВ ОТАБЕК БАХРИТДИН УГЛИ**

**СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ДИАГНОСТИКИ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ  
ПОЛИНЕЙРОПАТИИ У ЖЕНЩИН В ПОСТКЛИМАКТЕРИЧЕСКОМ  
ПЕРИОДЕ**

**14.00.25 – Клинико-лабораторная и функциональная диагностика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/Tib1744.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Усманова Дурдона Джурабаевна  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Арипов Абдумалик Нигматович  
доктор медицинских наук, профессор

Наримова Гульчехра Джуманиязовна  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:** Центр развития профессиональной  
квалификации медицинских работников

Защита диссертации состоится «29» октября 2021 г. в 13<sup>00</sup> часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, дом 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за 790). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «14» октября 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 1 от «14» октября 2021 года)



**А.Г. Гадаев**

Председатель разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.А. Набиева**

Ученый секретарь разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Г.С. Халимбетов**

Председатель научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сахарный диабет - одна из актуальных проблем нашего времени, ее масштабы продолжают расти и вовлекает практически всех возрастных диапазонов населения. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «...в мире насчитывается около 130 млн человек с СД и каждые 25 лет их количество увеличивается и таким образом к 2025 году на земле будет примерно 300 млн пациентов с СД...»<sup>1</sup>. Несмотря на высокую частоту нарушений опорно-двигательного аппарата у женщин с сахарным диабетом в постменопаузе, у всех пациенток развиваются объективные и субъективные симптомы остеопатии, и данные о них остаются спорными. Такие вопросы, как предотвращение необратимых осложнений и улучшение качества жизни пациентов, остаются актуальными благодаря ранней диагностике и лечению этого заболевания.

Ряд зарубежных специалистов отметили, что диагностика и лечение осложнений костно-мышечной системы в мире с диабетической полинейропатией, включая качество их жизни, является основным фактором, ограничивающим движение. В связи с этим при постменопаузальной диабетической полинейропатии поражение опорно-двигательного аппарата и последующее развитие осложнений усугубляют течение заболевания; однако проводятся исследования по совершенствованию методов диагностики осложнений костно-мышечной системы в зависимости от пола, возраста и качества жизни пациентов, а также продолжительности остеопороза. Расширение шкалы патологических, необратимых осложнений в опорно-двигательном аппарате имеет особое значение для совершенствования методов диагностики, применяемых при раннем выявлении активности, степени тяжести заболевания.

В республике проводится масштабные работы по развитию медицины, и по изучению заболеваемости диабетической полинейропатией, её влияние на опорно-двигательный аппарат, факторам её развития и частоте их осложнений, раннему выявлению, лечению и профилактике данного заболевания. Такие задачи, как «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создание патронажных служб, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»<sup>2</sup>. Эти задачи помогут снизить инвалидность и смертность от осложнений заболеваний за счет улучшения использования современных технологий в диагностике и лечении различных заболеваний, связанных с эндокринной системой, у населения.

